# 9 май - Хотира ва қадрлаш куни

????Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва аждодлар хотираси ёд этилди
????Бугун 9 май - "Хотира ва  қадрлаш куни" муносабати билан Бешариқ тумани марказидаги хотира майдонида иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юртдошларимиз ва барча ўтганлар хотирасини ёдга олиш маросими бўлиб ўтди.
????Хотира тадбирида туман ҳокими Расулжон Жўраев бошчилигидаги сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.
????Маросим аввалида “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.
Шунингдек, тадбирда туман раҳбари барчани байрам билан муборакбод этди.

2023-05-13 12:12:57